

“NAVOIYURAN”
Davlat korxonasi



“NAVOIYURAN”
State Company

210100, O'zbekiston Respublikasi, Navoiy viloyati, Navoiy shahar, Inspektorlar ko'chasi, 7-uy

2023 yil “29” ноябрь № 351

BUYRUQ

“Навоийуран” давлат корхонаси томонидан амалга ошириладиган давлат харидларига оид ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сон Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 276-сон қарори талабларини таъминлаш мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. “Навоийуран” давлат корхонаси Кузатув кенгашининг 2023 йил 16 июндаги мавжуд харидлар тизимини қайта ташкил этиш ва коррупцияга қаршикурашиш тизимларининг самарадорлигини ошириш бўйича “Йўл харитаси” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2023 йил 1 ноябрдаги 01-3381 – сонли топшириғи ижросини таъминлаш юзасидан корхона харидларига оид ички меъёрий ҳужжатлар қуйидаги:

Корхона харид сиёсати 1-иловага;

Корхона харид комиссияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Низом 2-иловага;

Корхона давлат харидларини энг яхши таклифларни танлаш ва тендер орқали амалга ошириш бўйича харид комиссияси таркиби 3-иловага;

Корхона Лойиҳа офиси томонидан товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш бўйича харид комиссияси аъзолари таркиби 4-иловага;

Корхона харид комиссияси томонидан дастлабки малака танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом 5-иловага;

харид жараёнлари ва таъминот занжири самарадорлигини баҳолаш мезонлари (KPI) тўғрисида Низом 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Корхонада давлат харидлари билан шуғулланиш ҳуқуқи берилган барча даражадаги масъул раҳбарлар харидларни амалга ошириш бўйича қабул қилинган ҳужжатларга қатъий амал қилсин.

КИРИТИЛДИ:

Харидлар трансформацияси бўлими бошлиғи



А.Х. Хўжақулов

Харидларни режалаштириш
ва маҳаллийлаштириш бўлими бошлиғи



Г.С. Адизова


КЕЛИШИЛДИ:

Бош директорнинг биринчи
ўринбосари - бош муҳандис




В.Ф. Назаров

Бош директорнинг иқтисод ва молия
бўйича ўринбосари



У.Б. Рузиев

Бош директорнинг тартибот
бўйича ўринбосари



Ў.Х. Хўжаев

Бош директорнинг тижорат масалалари
бўйича ўринбосари



Л.А. Хамидов

Бош директорнинг трансформация
жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича
ўринбосари – Лойиҳа офиси раҳбари



Х.Т. Хайдаров

Бош директор маслаҳатчиси




А.Б. Султонов

Юридик хизмат бошлиғи




А.И. Мустафаев

Офис – менежер бўлими бошлиғи



М.Х. Каландарова

Комплаенс хизмати бошлиғи



М.М. Санақулов

3. “Навоийуран” давлат корхонасининг 2022 йил 18 январдаги “Харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш схемаларини, тартибларини ва низомларини, шунингдек, харид комиссиялари таркибларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 20-сонли буйруғи ва 2022 йил 30 майдаги “Харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш схемаларини, тартибларини ва низомларини, шунингдек, харид комиссиялари таркибларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2022 йил 13 январдаги 20-сонли буйруғига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги 190-сонли буйруғи, 2022 йил 23 сентябрдаги “Навоийуран” давлат корхонаси Лойиҳа офиси томонидан товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш бўйича харид комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида”ги 327- сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш Бош директорнинг тижорат масалалари бўйича ўринбосари – Л.А. Хамидов зиммасига юклансин.

Бош директор



Дж.С. Файзуллаев

Ижр.: Г.С.Адизова
Тел.: 507-01-16

